

6«10»2022 yil.

1646-12-171-TB/2022-son

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№ 22 -сонли

Гурлан тумани

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган «Гурлан туман Тиббиет бирлашмаси» номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиги А.Каримов бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Тош масжид» МЧЖ номидан Устав асосида иш кўрувчи Х.Ўразов иккинчи томондан Гурлан тумани Тиббиет бирлашмасига карашли контейнерларни олиб келиш ва жорий тамирлаш бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қўйидаги таърифлар кўлланилади;

-ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект таъмирлашига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул килиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда таъмирлаш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар;

-таъмирлаш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг таъмирлаш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

-вақтингчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан таъмирлаш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар;

-беркитиладиган ишлар – сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниглаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

-шартнома нархини булиб чиқиши – ишларнинг ҳар бир боскичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича обьектнинг умумий қийматини боскичларга таксимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома бўйича Гурлан тумани Тиббиет бирлашмасига карашли контейнерларни олиб келиш ва жорий тамирлаш кўзда тутилган лойиха бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини ҳамда обьектида курилиш ва таъмирлаш ишларини смета хужжатларида кузда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аникланган ва танлов комиссиясининг 30.09.2022 йилдаги № 155259-карори (Танлов комиссияси карори санаси Баённома раками-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошка харажатларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ККС билан бирга 142 000 000 (Бир юз кирк икки миллион) сўмни ташкил этади. (Шу жумладаи ККС-18 521 739 сўмни ташкил килади)

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш кийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўргасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартларига мувофик топшириш;

- 2-иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асобоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзууси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

- таъмирлаш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;

- таъмирлаш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асобоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

- таъмирлаш майдони кўрикланишини таъминлаш;

- таъмирлашда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тўғрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бўртмачига тақдим киласди.

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган узининг 20% га teng булган ва унга хизмат курсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблагларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тулиқ ҳажмда тақдим киласди.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб икки муддатда мазкур шартномага 2-иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли бўлган таъмирлаш майдонини объект таъмирлаши ва таъмирлаш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишини таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва карор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

12. Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаб Газначилик бўлинмаларида руйхатга олинган кундан бошлаб конуний кучга киради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова килинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради.

15. Объектни **2022 йил 15 октябргача** фойдаланишга топширилиши белгиланади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» килинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% микдорида аванс утказади, бу **42 600 000 (Кирк икки миллион олти юз минг)** сўмни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблаглар уч банка кунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.

19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб кабул килингандан кейин ҳакиқий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб колган холда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблаглар ушбу объект таъмирлаши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект таъмирлашига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш, объект таъмирлашида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект таъмирлашининг бошка харажатларига катъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнинг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун таъмирлаш монтаж ишлари микдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома ҳисоб-варак-фактурани» узи тузиб тақдим килади. Буюртмачи бажарилган таъмирлаш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб кабул килиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган таъмирлаш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан кабул килиб имзо чекиладиган **«Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варак-фактура»** асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хукукини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширгунга кадар объектнинг тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи таъмирлаш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлади, у Буюртчининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнida ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хукукига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишида ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четта чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг таъмирлаш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан боғлик тўхтаб колишилар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан кониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни Аникланган камчиликларни З кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади

32. Агар енгиг бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама киладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга ҳаклидир.

X. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха хужжатларига хамда таъмирлаш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

- ўзи томонидан таъмирлаш учун кўлланиладиган таъмирлаш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиклигини;

- ишларни қабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф килишини;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб, улар бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат иичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорида жарима солиш хукукига эга.

Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиши «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат килишини истисно этмайди.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмиrlаш бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатта купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари таъмиrlаш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатта тухтатиб куйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

37. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

38. Мазкур шартномани бекор килишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор килинган тақдирда айборд томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

40. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларидан ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

41. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал килиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлик коррупциявий харакатларни содир кильмасликка келишиб оладилар.

42. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдин олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

43. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабатлар юзасидан конунга хилоф равища пул, моддий кийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий кийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга вадъа килинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинимаганлигини (келажакда бу турдаги харакатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳакида таассурот колдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб килинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юкоридаги харакатларни содир этмаслиги юзасидан окилона чоралар киради.

44. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вакт ва шаклда куйидаги харакатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат килувчи органлардан лицензия ва руҳсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштируванини амалга ошириш, судда иш кўрилиши,

конунчилек жараёни ва бошка соҳаларда конунга хилоф равища тижорат ёки бошка тусдаги устунликка эга бўлиш ёки саклаб қолиш максадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, вадда килиниши, берилишига;

б) конунга хилоф равища олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинойи фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига конуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошка мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбанини, турган жойини, тасаррүф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошка мол-мулкка бўлган хакикий эгалик хукукларини ёки унинг кимга карашлилигини яширишга;

в) коррупцияга оид хукукбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазиқ ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу холат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дархол хабардор қилиши шарт.

45. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишида, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришида, лицензия, рухсатномалар ва бошка рухсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишида ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошка харакатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиласидаги шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пурдатчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, хукуқшунослар, хисобчилар, улар номидан харакат килувчи бошка вакилларга) нисбатан кўйидаги харакатларни амалга ошириши шарт:

- коррупциявий харакатларга йўл кўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий харакатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳакида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий харакатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни факат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга конунчилек доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган хақ миқдоридан асоссиз равища оптика тўловларни амалга оширмаслик.

46. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиласидаги шахслар томонидан коррупцияга карши кўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳакида хабар берилганлиги учун уларга тазиқ ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

47. Агар бир тарафга бошка тарафнинг коррупцияга карши кўшимча шартларнинг 44 ва 45-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл кўйганлиги маълум бўлиб колса, иккинчи тарафни бу ҳакда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидан тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан коидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичидан тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳакида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда заарни тўлиқ коплаб беришни талаб қилишга ҳакли.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

48. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айборд томон:

- иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

- Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

49. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирганинига ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,4 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни коплашдан озод қилмайди.

Шартномага мувофик бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди.

Буюртмачининг хисоб ракамига максадли молиялаштириш учун тушган пул маблагларини уч банка кунида сабабсиз пудратчининг хисоб ракамига утказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% микдорида жарима тўлайди;

50. Пудратчи объектни ўз вақтида таъмиirlab ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни коплашдан озод қилмайди.

51. Шартномага мувофик бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди.

52. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у холда Буюртмачи «Давархитекткурилишназорат» инспекциясининг холосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 5 фоизи микдорида жарима ундириш хукукига эга.

53. Томонлардан бири ўз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон ракамларини, корхона атамаси ёки макомини нотугри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбордor тамон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% микдорида жарима тулайди.

54. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни коплайди.

XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

55. Шартномани бажаришда ва бекор килишда ёки кўшимча ва ўзгартириш киритишда, шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар ўз аро келишув йўли билан ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

56. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

57. Пудратчи таъмиirlash обьектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

58. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳакиқий хисобланади.

59. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

60. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин таъмирлаш ўзига тегишли молмукни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳак тўлашни кечикиришга ҳаклидир

61. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари кўлланилади.

61. Мазкур шартнома Фазначилик бўлинмаларида рўйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

62. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

БУЮРТМАЧИ:

ПУДРАТЧИ:

Гурлан туман Тиббиет бирлашмаси	« Тош-масжид » МЧЖ
Манзили: Гурлан тумани Зироатчилар кўчаси 3-үй	Манзили: Гурлан туман Эшимжирон қишлоғи
Тел/факс(0362)36-51-371, (0362)36-52-350 шх/р: 100022860332087073101054002	Тел/факс: +998975101410 х/р: 20208000100513422001
Банк: Марказий банк Тошкент шахар ХККМ	Банк: АТБ Қишлоқ қурилишбанк бош амаоиет бошкармаси
МФО: 00014	МФО: 01037
ИНН: 201137788	ИНН: 200210595 ИФУТ: 43310
ОКЭД: 86100	
Молия вазирлиги ягона газна хисоб вараги х/р: 23402000300100001010	
ИНН: 201122919	

М. Ў. _____ А. Каримов

М. Ў.  Ўразов

	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.
Imzolovchi F.I.SH.	AXMEDJON KARIMOV MUXIDDINOVICH
Imzolangan sana	6 окт 2022 14:06
Hujjat kodi	HV8105512203
Hulosa kodi	QU3445227784

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA

Loyihaning turi: Shartnoma.

Loyihaning nomi: Gurlan tuman tibbiyot birlashmasi va «Tosh masjid» MChJ o'rtaida tuziladigan Gurlan tumani Tibbiet birlashmasiga karashli konteynerlarni olib kelish va joriy tamirlash bo'yicha to'grisidagi shartnomasi loyihasi

Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:
Gurlan tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yil 05-oktabr kuni ishlab chiqilgan kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuristkonsulti



E.Raxmatillayev
06.10.2022y

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 155259 на приобретение Хоразм вилоят Гурлан туманида жойлашган Гурлан туман Тиббиет бирлашмасига карашли контейнерларни олиб келиш ва жорий тамирлаш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 30.09.2022

Время рассмотрения 30.09.2022 14:51

Закупочная комиссия Гурлан туман марказий шифохонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	KARIMOV AHMEDJON MUXIDDINOVICH	Бош врач	Гурлан туман тиббиёт бирлашмаси
Секретарь комиссии	KUTLIMURATOVA MUYASSAR RAXIMBAYEVNA	Кадрлар булими бошлиги	Гурлан туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	KIM TIMUR INNOKENTIYEVICH	Бош врач уринбосари	Гурлан туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	AKISHEV RASUL RAXIMBAYEVICH	Бош хисобчи	Гурлан туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	XUDAYBERGENOV BATIR URAZBAYEVICH	Хужалик ишлар мудири	Гурлан туман тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	ATOJANOV MIRZABEK ZOKIRJONOVICH	Харидлар буйича мутахассис	Гурлан туман тиббиёт бирлашмаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 30.09.2022 года № лота 155259.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф. технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по текущему ремонту сооружений
Подробное описание	Хоразм вилоят Гурлан туманида жойлашган Гурлан туман Тиббиет бирлашмасига карашли контейнерларни олиб келиш ва жорий тамирлаш ишлари
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	142 034 099.00
Стартовая сумма	142 034 099.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда иштирок килувчиларнинг машина техникалари ва механизмлари сони 20 тадан кам булмаслиги керак.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок килувчиларнинг машина техникалари ва механизмлари сони 20 тадан кам булмаслиги керак.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"TOSH MASJID" MCHJ	20	20	20	Экспертная		
SOYOT OQ-QUSH MСЫJ	20	20	20	Экспертная		

Критерий №2 Танловда иштирокчининг тажрибаси курилиш соҳасида 6 йилдан кам булмаслиги ва бажарилган ишлари рўйхати (6 йиллик) маълумотнома шаклида.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирокчининг тажрибаси курилиш соҳасида 6 йилдан кам булмаслиги ва бажарилган ишлари рўйхати (6 йиллик) маълумотнома шаклида.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"TOSH MASJID" MCHJ	20	20	20	Экспертная		
SOYOT OQ-QUSH MСЫJ	20	20	18	Экспертная		

Критерий №3 Танлов предметининг камидаги 50% миқдорида айланма маблагига эгалиги. Банқдан маълумотнома, шу санага.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов предметининг камидаги 50% миқдорида айланма маблагига эгалиги. Банқдан маълумотнома, шу санага.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"TOSH MASJID" MCHJ	20	20	18	Экспертная		
SOYOT OQ-QUSH MСЫJ	20	20	19	Экспертная		

Критерий №4 Мухандис техник ходимлар тугрисида маълумотнома. 10 нафардан кам булмаслиги керак, иш стажи камидаги 5 йил. По спецификации Заказчика Требуемое значения: Не менее 10 человек

Тип: Текстовое значение

Описание: Мухандис техник ходимлар тугрисида маълумотнома. 10 нафардан кам булмаслиги керак, иш стажи камидаги 5 йил. По спецификации Заказчика Требуемое значения: Не менее 10 человек

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"TOSH MASJID" MCHJ	20	20	19	Экспертная		
SOYOT OQ-QUSH MChJ	20	20	19	Экспертная		

Критерий №5 Асосий фаолият тури курилиш булиши керак.

Тип: Текстовое значение

Описание: Асосий фаолият тури курилиш булиши керак. Устав гувохномаси, соликдан ва банкдан бугунги санага карзи йўклиги түгрисидаги маълумотнома, кайси солик туловчиси түгрисидаги гувохнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"TOSH MASJID" MCHJ	20	20	20	Экспертная		
SOYOT OQ-QUSH MChJ	20	20	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
SOYOT OQ-QUSH MChJ	142 034 099.00	141 500 000.00 UZS	141 500 000.00	00.00	141 500 000.00	30.09.2022 11:14:39	20
"TOSH MASJID" MCHJ	142 034 099.00	142 000 000.00 UZS	142 000 000.00	00.00	142 000 000.00	30.09.2022 10:31:38	19.92958

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
SOYOT OQ-QUSH MChJ	76.8	20	96.8
"TOSH MASJID" MCHJ	77.6	19.92958	97.52958

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 155259 от 30.09.2022 года на приобретение Хоразм вилоят Гурлан туманида жойлашган Гурлан туман Тиббиет бирлашмасига карашли контейнерларни олиб келиш ва жорий тамирлаш ишлари определила победителем:

"TOSH MASJID" MCHJ
200210595

и резервный исполнитель: SOYOT OQ-QUSH MChJ (303318938)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии

Председатель комиссии	KARIMOV AXMEDJON MUXIDDINOVICH	Согласен	
Член комиссии	KIM TIMUR INNOKENTIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	AKISHEV RASUL RAXIMBAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	XUDAYBERGENOV BATIR URAZBAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ATOJANOV MIRZABEK ZOKIRJONOVICH	Согласен	-

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

1-нэгж

Гурлан тумани Тиббет бирлашмасыга карашли контейнерларни олиб келиш ва жорий таймирлаш бүйича ойлар давомида
молияштириш графиги

№р	Объект номи ва манзили	Хажм бирлэгнинг киммати	2022-ийн үзүүлэлт молияштириш кийматы (сум)											
			1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
			январ	февраль	март	апрель	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабрь
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1	Гурлан тумани Тиббет бирлашмасыга карashли контейнерларни олиб келиш ва жорий таймирлана.	142000000												

М.Х.
Гурлан туман Тиббет бирлашмасы бошлогы
Бул документ 1-нэгж думан Тиббет бирлашмасы бошлогы



А.Каримов
Рахбар

М.У.
Пудратчи: «Топ масжид»

Рахбар
Х.Уразов



Гурлан тумани Тиббиет бирлашмасига карашли контейнерларни олиб келиш ва жорий тамирлап бўйича ойлар давомида
ишларни бажариш графиги

Трп	Объект иоми ва мааниди	Хажм бирлгитни нг	2022 йил учун ишларни бажариш киймати (сум)											
			1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
			январ	феврал	март	апрел	май	июнь	июль	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1	Гурлан тумани Тиббиет бирлашмасига карасиши контейнерларни олиб келиш ва жорий тамирлаш.	142000000											142000000.0	



Бўйича ойларни бирлашмасин бошлиги
Рахбар А.Каримов

М.У
Пурдатчи: «Тош масжид»

Рахбар
Х.Ўразов

